

---

## ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ ФАРҒОНАЛИК БОЛАЖОНЛАРГА БИР ОЛАМ ҚУВОНЧ УЛАШДИ

Бугун Фарғона шаҳридаги вилоят театр-концерт саройида фарғоналик ўғил-қизлар учун "Президент арчаси" байрами ташкил этилди. Унда вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров ҳамда вилоят секторлари раҳбарлари қатнашдилар.

Тадбирда вилоят ҳокими болажонларни янги йил байрами билан табриклади. Янги йил байрамида ўғил-қизлар учун "Президент арчаси" байрам тадбирлари ташкил этилиб, Президентимиз совғалари топширилиши ўзига хос анъанага айланганлигини, бу йил ҳам вилоятимиз бўйича 605 нафар болажонларга ана шундай совғалар топширилишини айтиб ўтди. Бунга муносиб равишда келажакимиз эгаларини яхши ўқиб, ҳунар эгаллаб, юрт манфаати, халқ фаровонлиги учун хизмат қиладиган инсонлар бўлиб вояга етишга, мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдевори бўлишга чорлади.

Шундан сўнг таркибида ширинликлар, ўқув қуроллари ва Болалар энциклопедияси бўлган "Президент совғалари" болажонларга тантанали тарзда топширилди. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ота-она қаровисиз қолган болалар, ота-оналари Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш йўлида қурбон бўлган 3-15 ёшдаги ўғил-қизлар бундай ғамхўрликдан севинчга тўлдилар. Эътиборлиси, 73 нафар 12 ёшдан ошган Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига махсус планшет солинган совғалар тўхфа этилди.

"Янги салтанатда янги йил байрами" номли театрлашган сахна чиқишлари эса барчага бир олам қувонч бағишлади.

"Биз Фарғона туманидан келдик. Марғилон шаҳридаги 1-сонли Меҳрибонлик уйидан 5 нафар болаларни асраб олиб, уларга ўз фарзандларимиздек таълим-тарбия бериб келмоқдамиз. Бугунги тадбирлар, Президент совғаси, Қорбобонинг чиқишлари бизни ҳам, ўғил-қизларимизни ҳам жуда хурсанд қилди", - дейди Набижон Валиев.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)

2021-12-29 21:23:09